



## УМИД НИХОЛЛАРИ ЖАҲОН МАЙДОНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАДИ

Навоий шаҳрида умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинлари якунланди



Дунёда тадбирлар, спорт мусобақалари жуда кўп. Аммо улар ичида энг яхиси болалар учун ташкиллаштирилгани, десак, муболаға бўлмаса керак. Ўзбекистон фарзандлари учун жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатидан қолишмайдиган, керак бўлса улардан устун бўлган даражада барча имкониятлар яратилган. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган спорт иншоотларининг қурилиши, болалар билан ишлаётган малакали мураббийлар меҳнати, ўтказилаётган спорт мусобақалари келажак авлоднинг ҳар томонлама етук, ақлан баркамол, жисмонан соғлом бўлиб ўсиб-улғайишига замин яратмоқда.

Ўзбекистонда Президентимиз дунёда ягона ҳисобланган уч ташаббуси билан яратилган нинг асосий мақсади — ёшларимиз орасида спортни кенг тарғиб этиш, эртанги кун чемпионларини камол топтиришдан иборат.

Жаҳон спортида синондан кўп бора ўтган бир тажриба бор. Агар спортнинг оммалашувини ва унинг ривожланишини ҳукумат қўллаб-қувватламаса, ҳар қандай ҳаракат бекор. Бу борада бизнинг спортчилар дунёда энг бахтли спортчилардир.

Дарҳақиқат, улар Президентимиз ва халқимизнинг доимий қўллаб-қувватлашини, ғамхўрлигини ҳис қилиб келишмоқда. Агар спортчи турли ташвишлардан холи бўлса, бор диққат-эътиборини машғулотларга қаратади ва энг юксак марралар сари интилади.

«Умид ниҳоллари» мусобақаларида журналист сифатида иккинчи марта қатнашяман. Агар сиз ер юзидаги энг бахтиёр, севинчдан масрур болаларни кўришни истасангиз, мусобақаларни келиб кузатинг. Ҳозирги ёшида бундай катта кўламдаги мусобақада бевосита иштирок этган бола галаба нашидасини суради, келажакда ўз олдига фақат энг юксак мақсадларни кўяди, голиблик шоҳсупаси сари бор кучи билан интилади.

(Давоми 4-бетда.)

### «Сўнгги кўнғироқ — 2012»



Аяно АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## БУ ТУЙҒУЛАР ҲЕЧ КИМГА БЕГОНА ЭМАС

Сўнгги кўнғироқ. Унинг жаранги мактаб остонасида қанот қоқишга шайланиб турган битирувчиларнинг қалбларини ажиб би ҳаяжонга чулғайди. Кўнғироқ овозида миллат эртаси бўлган ёшларнинг келажакка ишончи ва умиди, баркамол авлодга хос интилиши ва шижоати муҳасам.

Сўнгги кўнғироқ биринчи ҳарфни танитиб, илк бор маърифатга ошно этган, болаликнинг беғубор лаҳзалари ўтган қадрдон маскани тарқ этишдан даракдир. Бу туйғулар мактабни битирган ҳеч бир одамга беғона эмас.

Бу йил мактаблардаги «Сўнгги кўнғироқ» тадбири «Мустақил юрт фарзанди, Она-Ватан сени қорлайди!» шiori остида ўтказилмоқда. Энг аввало, тадбир ўтказилмайдиган жойлар талаб даражасида жиҳозланган. Унда давлат рамзлари, Президентимизнинг ўқувчи-ёшларга қарата айтган самимий сўзлари, Мустақам оила йили муносабати билан турли деворий газеталар, синф ўқувчилари учун тайёрланган буклетлар ҳамда байрамона фотосуратлар, касб танлашга оид тўғрақ ишлари намуналарини намойиш этилмоқда. Мазкур тадбир «Сизга эҳтиром, устозлар!», «Мактабимиз бир умр қалбимизда!», «Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!» каби шiorлар билан безатилди.

Бу йил мамлакатимизда қарийб 560 минг 345 нафар ўқувчи мактаб билан хайрлашади. Республикаимиздаги мавжуд 9763 та умумтаълим масканларининг ҳар бирида битирувчилари касбга йўналиш-

риш бўйича катта ишлар олиб борилади. Шунингдек, «Очиқ эшиклар кўни» ҳамда «Мутахассислигинг — сенинг келажакинг» таълим ва касб кўргазмалари муттасил равишда ўтказилаётганлиги ўғил-қизларнинг кейинги тахсиллини муваффақиятли ташкил этиб, жамиятда ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ортимиз бўйлаб жаранлаган сўнгги кўнғироқ садоларида битирувчи синф ўқувчиларининг ўтган давр мобайнида эришган ютуқлари, бунга меҳнати сингана азиз устозлари шайнига битилган дил изҳорлари, мактабнинг жажжи бошланғич синф ўқувчилари эса ака-опапарига атаб айтган шеър ва қўшиқлар қалбларини алланечук тўлқинантиради.

Ўқувчиларнинг йил мобайнида қадрдон синф хонасига қорлаган кўнғироқ садоси энди ҳаётнинг илк сабоқлари — мактаб таълими ниҳояланганигидан дарак бермоқда. У келгусида улкан чўққиларга етмоқни орзулаган, янги довлонлар сари дадил интилишни кўзлаган ўғил-қизларимиз учун катта ҳаётга қорловчи кўнғироқ ҳамдир.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»



Суратда: 64-макаб битирувчилари.

## БОЖЖОНА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг Олий ҳарбий божжона институтида «Божжона органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент давлат юридик институти, Солиқ академияси, қатор илмий тадқиқот муассасаларининг олим ва етакчи мутахассислари, тадқиқотчи ва магистрлари, божжона органлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Мансуров ва Олий ҳарбий божжона институти бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Сунонов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ва муҳим таркибий қисми бўлган божжона иши назарияси ҳамда амалиётини такомиллаштириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг 2003 йилда ташкил этилган Олий ҳарбий божжона институти барча жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиб, ўзига хос зарур ускуналар билан жиҳозланган. Институтида замон талабларининг асосида жиҳозланган 11 та кафедра, бир неча компьютер хонаси, криминалистика лабораторияси ва ўқув хоналари мавжуд.

Анжуманда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида божжона хизматининг ўрни, Ўзбекистонда божжона назорати самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида давлат бошқаруви органларини ташкил қилиш асослари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга бағишланган мавзўлар тингланган ҳамда муҳокама қилинди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

## ИЖТИМОЙ СЎРОВ:

талабчанликни ошириш зарур

2-бет

## Муносабат

БАҲС УЧУН МАВЗУ КЎП → 2

Парламент назорати

## АРХИВ — ТАРИХ

САҲИФАСИ уни асраш бурчимиз



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Архив иши тўғрисида»ги қонуннинг «Ўзархив» агентлиги ҳамда Бухоро вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди.

Мамлакатимизда фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий ва илмий эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини жамлаш, рўйхат-

дан, экспертизадан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Республикада архив иши ва иш

юритишни ривожлантириш Дастури тасдиқланиб, давлат архивларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Давлат бюджетидан 2,054 миллиард сўм,

бюджетдан ташқари ва грант маблағлари ҳисобидан 4,524 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Тегишли Инвестиция дастури доирасида кейинги уч йилда 19 та янги архив биноси қурилади, 5 таси реконструкция қилинди. Ҳозирги пайтда 102 та давлат, 17 та нодавлат ва 115 та идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архиви ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда.)



Парламент назорати

# АРХИВ — ТАРИХ САҲИФАСИ

## уни асраш бурчимиз



Таъкидлаш керакки, «Архив иши тўғрисида»-ги қонунда архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассасаларнинг фаолияти аниқ белгилаб берилган. Қонунда архив ҳужжатларининг турлари матнли, кўл ёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, бошқа моддий жисмлардаги ёзувлар экани аниқ кўрсатилган.

«Архив иши тўғрисида»-ги қонуннинг «Узархив» агентлиги ва Бухоро вилоятидаги ижроси ўрганилганда, тизимда муайян ижобий ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. **Аммо фуқаролар ҳаёти, ижтимоий ҳимояси, жамият ва давлат учун аҳамиятли ҳужжатларни сақлаш масаласида ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд. Очиқ айтганда, айрим маҳаллий давлат идоралари, ҳокимликлардаги мутасадди шахслар бунга жиддий эътибор қаратмапти.** Ваҳоланки, «Архив

иши тўғрисида»-ги қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат идоралари Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоровий архивлардаги архив ҳужжатларининг сақланиши учун лозим даражада шарт-шароит яратиб бериши, архив ҳужжатлари ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириши кераклиги белгилаб қўйилган.

Афсуски, Ўзбекистон Фанлар академияси архив фонди, Бухоро вилояти давлат архивининг Қоровулбозор тумани филиали, Когон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими архиви ва бошқа бир қанча идоралар қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган мажбуриятлардан етарли даражада хабардор эмас.

Бухоро вилоятида тадбиркорлик



(Давоми. Боши 1-бетда.)

субъектларининг, хусусан, фермер ҳўжаликлари ҳўжатларининг архивларга тақдим этилиши 50-60 фоизни ташкил этмоқда. Архив ҳўжатларини архивлаштириш, қимматлилиги экспертизасини ташкил этиш, ҳўжатларнинг идоровий сақловини таъминлаш, жумладан, доимий сақланиши зарур бўлган ҳўжатларни архивларга ўз вақтида ва белгиланган талабда топширилишига етарлича эътибор берилмаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Қонун ижросидаги бу каби камчиликлар фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қонуний манфаатлари таъминланмаслигига олиб келади. Бу — ЎЗХДПнинг дастурий мақсадлари амалга ошишига мувофиқ эмас. Иқтисодий ислохотлар жараёнида кишиларнинг моддий ва интелектуал меҳнати, ижтимоий ҳимояси аҳамиятини ошириш ҳамда инсон қадр ва тақдирига дахлдор ҳўжатларнинг давлат томонидан сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тегишли қонун ва қонуности ҳўжатларга амал қилиниши, бу борада мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш зарур.**

Қонун ижроси муҳокамасида бунга алоҳида эътибор қаратилди. Депу-



тат ва мутахассислар архив иши соҳасидаги меъёрий-ҳўқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонуности ҳўжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини таъкидлашди. Хусусан, **корхона-ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳўжатларни ўз вақтида архивларга топшириши, зарур ҳўжатларнинг турли сабаблар билан йўқ қилинишининг олдини олиш, ҳўжатлар сақловини таъминлашдаги масъулиятни кучайтириш бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи билдирилди.**

Назорат-тахлил натижалари «Архив иши тўғрисида»-ги қонун бўйича меъёрий-ҳўқуқий ҳўжатлар ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш кераклигини кўрсатди. Хусусан, «Узархив» агентлигининг архив иши ва иш юритиш бўйича Давлат инспекцияси», «Архив ҳўжатларини алоҳида қимматли ҳўжатлар ва ноб ҳўжатлар сирасига киритиш тартиби», «Суғурта нухсаларни тайёрлаш ва сақлаш тартиби», «Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳўжатларини тасарруфдан чиқариш ёки

универсал ҳўқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш учун рухсат бериш тартиби», «Архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқариш намунавий нормалари», «Архив ҳўжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби тўғрисида»-ги Низомларни тегишли тартибда қабул қилиш ва амалиётга киритиш зарур.

Йўғилишда, шунингдек, архив ходимларини ўқитиш, архив ишини юритиш масалаларини давлат ва маҳаллий бошқарув идоралари, корхона-ташкилот ва муассасаларда мунтазам ўрганиб боришни кучайтириш, идоровий архивлар мансабдор шахслари масъулиятини ошириш, архив фаолиятида илгор ахборот технологиялари қўлланилишини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Қўмита йўғилишида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарор қабул қилинди.  
**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**  
**ЎЗХДП фракцияси аъзоси.**

**Партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрини билиш, шунингдек, электорат вакилларини қизиқтираётган масалаларни ўрганишда ижтимоий сўровларнинг ўзига хос ўрни бор. ЎЗХДП Марказий Кенгаши бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда.**

Яқинда партия Марказий Кенгаши мафкуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалар бўлими томонидан минтақавий кенгашлар билан ҳамкорликда ижтимоий сўров ўтказилди. Унда 6 минг нафардан зиёд аҳоли вакили иштирок этди. Уларнинг аксариятини ЎЗХДП аъзолари, партия электорати вакиллари ташкил этди. Қувонарлиси, ижтимоий сўровда партияга аъзо бўлмаган фуқаролар ҳам фаол қатнашиб, саволларга аниқ ва батафсил жавоб бердилар.

## ИЖТИМОЙ СЎРОВ: талабчанликни ошириш зарур

Ижтимоий сўров орқали «ЎЗХДП ташкилотлари ўтказётган тадбирларда иштирок этиб борасизми?», «ЎЗХДП ташкилотлари томонидан ўтказилаётган қайси тадбирлар сизга маъқул?», «Ўзбекистон ХДП қайси соҳа ва масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши керак, деб ўйлайсиз?» деган саволларга жавоб олинди.

Иштирокчиларнинг 1757 нафари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-машғулоти, 686 нафари иқтисодий форумлар, 3887 нафари эса турли мавзудаги давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар маъқуллигини баён этишди.

Сўров натижасига кўра, электорат билан ишлаш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-машғулоти, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этишда Тошкент шаҳар, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент ва Хоразм вилоят кенгашларида ишлар яхши йўлга қўйилган.

кил этишга, 388 нафари давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган айрим қонунбузарлик ҳолларини бартараф этиш ва 267 нафари эса бошқа масалаларга ЎЗХДП ташкилотлари кўпроқ эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сўровда билдирилган муносабатлар Андижон вилоятида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш, Бухоро вилоятида ёшларни иш билан таъминлаш, хотин-қизлар ижтимо-

риш зарурлигини кўрсатди. Депутатлар фаолиятига оид сўров натижалари умумлаштирилганда, халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда фаолликни оширишлари лозимлигини кўрсатди.

Ўтказилган сўров натижалари нисбий, албатта. Аммо аҳоли вакилларининг қизиқишлари, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш келгуси-

да партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича ўзига хос таклифлар олиш, йўл қўйилаётган камчиликлардан маълум хулоса чиқариш имконини беради.

**Аброр ҚҮРБОНОВ,**  
**ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

## Муносабат

# БАҲС УЧУН МАВЗУ КҰП

**Аммо «Адолат» СДП партияларо мунозара юритишга қийналяпти шекилли, ғоявий масалалар, Сайловонди дастурининг жойлардаги ижроси бўйича долзарб вазифалар кўплигига қарамай, ўз наشريда бир эмас, икки марта ЎЗХДПнинг газетаси «Ўзбекистон овозининг номини баҳс мавзусига айлантирди. «Адолат»чилар фикрича, ЎЗХДП Ўзбекистондаги ягона партия эмас. Шундай экан, нега унинг наشري «Ўзбекистон овози», деб аталиши керак?**

Мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш талаб этилаётган ҳозирги шaroитда партияларро баҳс-мунозара изчил тус олиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай курашлар сиёсий кучларни фаоллаштиради, партиялар ғоялари, Сайловонди дастуруларида белгиланган вазифалар ҳаётга таъбиқ этилади, шу орқали электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга эришилади.

Кейинги пайтларда партиялар матбуотида бу борада ўзгаришлар сезила бошланди. Бироқ партияларро баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши зарурлиги кўп бор таъкидланган. Айниқса, жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган муаммоларни муҳокама этиш, улар ечим бўйича ҳар қайси партия ўз нуктаи-назарини билдириши ва уни қатъий туриб ҳимоя этиши муҳим аҳамиятга эгаллиги кўп айтилган.

Дарҳақиқат, мутахассислар таъкидлаганидек, бозор иқтисодиёти каби демократияни, сиёсий партиялар фаолияти-

мовни ташвишга солиб қўйибди.

Тўғри, сиёсий партиялар ва уларнинг наشريдан, дунё таърибасидан беҳабар кишини бу савол ўйлантириши мумкин. Шу боис масалага муносабат билдиришга тўғри келади.

Маълумки, газетамиз «Ўзбекистон овози» номи билан Истиклолимизнинг илк кунидан чиқа бошлаган. Таърихиятимиз ижодий жамоаси ва мустақил Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи сиёсий партия — ХДП ижрокўими келишувига биноан, «Ўзбекистон овози» ушбу партия наشري сифатида чоп этиб келинмоқда. Эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистонимиз учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оғир бир вазиятда партияимиз ҳам, газетамиз ҳам мустақилликни, миллат манфаатини ҳимоя этишдек катта масъулиятни ўз зиммасига олиб иш бошлаган. Бу йўналиш ҳозир ҳам газетамизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Республиканинг ижтимоий-сиёсий наشري мақоми ҳамда партияимиз дастурий мақсадида қилиб чиқиб, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун курашишни энг олий шараф деб биламиз.

Партия наشري, дегани фақат партиянинг тадбирларини, фаолиятини ёритишдангина иборат, деб ҳисобламаймиз. Дунёдаги илгор давлатлардаги партиявий наشريларда ҳам бу таъриба кузатилади.

**Энди бевосита газетамиз номига келсак, шунини айтиш мумкинки, қатор мамлакатлардаги партия газеталари ёки нодавлат ташкилотлари наشريлари номида давлат ёки муайян шахар номини**

Агар масалага «адолат»чилар ёндашувидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, мамлакатимиз наشريлари ҳақида ҳам ҳар хил беҳуда гаплар билан тортишув мумкин. Масалан, нима, «XXI аср» фақат ЎзЛиДеПга дахлдорми? «Адолат» номи-чи? «Адолат» сўзи кенг қамровли умуммиллий, умумбашарий тушунчадир. Мамлакатимизда фақат бу партия курашмайди-ку, адолат учун...

Бизнингча, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳсда бу каби масалалар билан чалқашиб, тортишув олиб бориш ноўрин ва бефойда. Ҳар бир газетанинг номи тарихий шaroит, мақсад-муддаодан келиб чиқиб қўйилган. Биз газетамиз номи билан фахрланамиз ва бунинг масъулиятини яхши англаймиз. Шу мўътабар номга муносиб бўлишга интилаемиз.

Бу масала бўйича мунозара юритишни ноўрин деб ҳисоблаймиз ва маъқул мавзуга бошқа қайтмаймиз.

**ТАХРИРИЯТ**









# УМИД НИХОЛЛАРИ ЖАҲОН МАЙДОНЛАРИДА ЎЗБЕКISTОН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАДИ

Навоий шахрида умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинлари якунланди



«Умид ниҳоллари» болаларни аввало, мактаб ичида зўр бўлишга ундайди. Сўнгра туман босқичида. Агар бу босқичда ўз кучини кўрсата олмас навбатдаги босқичдан қуруқ қолади. Ундан ҳам ўтган, вилоят босқичи. Ва энг охирида асосий финал баҳсларидаги иштирок. Қўрапсизми, мактаб ўқувчилари бу ерга келгунга қадар қандай машаққатли йўлни босиб ўтганлар? Бу уларда шубҳасиз, қурашувчанлик ҳиссини оширади, келажакка умид билан боқишга ундайди. «Умид ниҳоллари»да юта олмаган бўлсам, «Баркамол авлод» ва Универсиадада албатта голиб бўлам, дея ният қилади.

ҳолда унинг ҳаёт тарзида ажралмас бўғинга айланиб қолади. Дунёда дўстликдан қадрироқ туйғу бўлмас керак. Айниқса, болаликдаги дўстлик унутилмас бўлади. «Умид ниҳоллари»да қатнашаётган иштирокчилар мусобақа давомида энг дўстлар ортиради, фикр алмашади. — Юртимизда уч босқичли спорт ўйинлари ўтказила бошлаган пайтда мен ҳали гўдак эдим, — дейди футбол бўйича Тошкент вилоят терма жамоаси сардори Музаффар Акбаралиев. — Телевизор орқали мусобақаларни кузатиб, қачондир ўзим ҳам бу ўйинларда иштирок этишни жуда ҳам истардим. Мана, ниятимга ҳам етдим. Навоий вилоятига илгари келмагандим. Бу ердаги одамларнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги бизнинг кўчимизга куч қўшди. Иштирокчилар учун яратилган шароитларга умуман гап бўлиши мумкин эмас. Бунақа савиядаги мусобақада иштирок этар экансиз, умуман туғашини истамайсиз. Қани энди, узок-

роқ давом этса деяверасиз. Аммо биз бу билан тўхтаб қолмаймиз. Олдинда ҳали кўплаб спорт турнирлари бор. Бу ерга келиб танишган тенгдошларимиз билан ҳали кўп бора учрашамиз. Мусобақалар бўлаётган спорт мажмуаларини кўриб, навоийликларга тан бердим. Шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси ўзини «Умид ниҳоллари»нинг бир иштирокчиси деб ҳисоблаётгани бизга ўзгача таъсир қилди. Кўча-кўйда бирорта одамдан шунчаки бормоқчи бўлган жойингиз қаерда жойлашганини сўрасангиз, имкони бўлса, бизни ўша жойга ўзи олиб боришга ҳаракат қилади. Озгина гап очсангиз, «Умид ниҳоллари» ҳақида тўқнашган сўзлар берди. Мезбонлик масъулиятини ҳамма бирдек ҳис қилди. Ҳақиқий бирдамликни биз Навоийда кўрдик. Албатта, мусобақанинг асосий қисми бу спорт ўйинлари. Бу ерда мусобақани ўтказиш учун яратилган шароитларни кўриб кўзингиз қувонади.

Навоийлик ёшларга ҳавас қиласиз. Чунки келажакда бу спорт иншоотлари улар учун хизмат қилади. Халқаро турнирларда Ўзбекистон шайини муносиб ҳимоя қиладиган жаҳон спорт олдустлари айнан мана шу даргоҳларда тайёрланади. Иштирокчилар фақат спорт мусобақалари билан чекланиб қолишгани йўқ. Улар учун маҳаллий ва пойтахтдан келган хонандалар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Мусобақа давомида ўз иштирокини якунлаган спортчиларнинг бошқа йўналишда иштирок этаётган дўстларини қўллашга интилаётгани ҳам бизни қувонтирди. Ҳа, чиндан ҳам «Умид ниҳоллари»да дўстлик ва бирдамлик госяи устувор бўлди. — Хар бир инсон қандайдир ишга қўл уради экан, фақат энг юқори марраларни кўзлаши керак, — дейди энгил атлетика бўйича Наманган вилоят терма жамоаси аъзоси Зилола Муродова. — Шундагина у маълум бир ютуқларга эришади. «Умид ниҳоллари» бизнинг ҳаётимизда жуда катта ўринга эга. Келажакда укаларимиз, сингилларимиз бу мусобақада иштирок этишади. Биз эса янги марралар сари интиламиз. Қалбимизда галабага ишонч туйғусини уйғотгани учун «Умид ниҳоллари»дан умрбод миннатдоримиз. Мусобақада иштирок этиш мақсадида келган қайси спортчида сўраманг, голиблик учун қурашмоқчилигини айтади. «Умид ниҳоллари» болаларимиз қалбда ватанпарварлик, қурашувчанлик ҳиссининг ошишига сабаб бўлаётганини кўриб қуланган мақсадиимизга эришаётганимизни ҳис этяптимиз. Жаҳон спортини «спортда биринчи ўриндан бошқаси ўрин эмас», деган гап бор. Бу ҳам спортчиларни янада руҳланттиради, катта марралар сари интилишига хизмат қилади. Тўғри, ҳамма биринчи ўринни эгаллай олмайди. Лекин турнирда иштирок этаётган спортчи кучини ўзининг медалга ҳақида ўйлашадан фақат олтин сари

интилиши керак. Ўшанда у муҳлислар қалбидан жой олади, қанча вақт ўтса ҳам уни ҳамма эслайди, ардоқлайди. Олдинда бизни кўплаб халқаро спорт мусобақалари кўтиб турибди. Бугун «Умид ниҳоллари»да ўз вилояти терма жамоасини ҳимоя қилган спортчи келажакда дунёнинг энг катта майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга интилади. Ўз олдида қўйган мақсадига бор кучи ва маҳоратини сарфлаб эришади. Ушбу мусобақа ёш спортчилар учун ҳақиқий пойдевор вазифини ўтамоқда. Келажакда халқимизга қувонч улашадиган, Ўзбекистонни гўрурини оширадиган фарзандлар улғайишига хизмат қилмоқда. — «Умид ниҳоллари» бугун ёшлар ҳаётида бекиёс ўрин тутмоқда, — дейди бадий гимнастика бўйича Хоразм вилоят терма жамоаси мураббийи Гулнара Наримова. — Ушбу мусобақага биз энг кучли спортчиларимизни олиб келдик. Саралаш баҳслари жуда ҳам оғир ўтди. Иштирокчиларнинг тайёргарлиги яхшилигидан энг кучлиларини танлаш қийин бўлди. Ушбу мусобақа нафақат ёшлар, балки биз мураббийлар учун ҳам катта тажриба мактаби. Бошқа вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан танишдик, фикр, тажриба алмашидик. «Умид ниҳоллари» бизни бунёдкорликка ундапти. Болалар учун спорт мажмуалари қуриляпти. Навоийда қад ростилаган иншоотларни қузатар экансиз келажак авлод учун шу даражада катта эътибор қаратадиган мамлакат фуқароси бўлганингиздан фахрланасиз. «Умид ниҳоллари»да мамлакатимиз ўғил-қизлар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди. Олимпия талабаларига қатъий рийо қилинган мусобақаларда иштирокчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди, кўплаб рекордлар ўрнатилди. Ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. «Умид ниҳоллари» — 2012-ўнинг голиб ва совриндорлари номи эълон қилинади.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) ва Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

**Биринчи ўринни эгаллаган (умумжамоа ҳисобида) Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусخаси ва «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Иккинчи ўринни олган Навоий вилояти ва учинчи ўринга лойиқ топилган Самарқанд вилояти жамоаларига Президент совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Шунингдек, галабага бўлган ишонч учун бир гуруҳ ўқувчилар махсус совринлар билан тақдирланди.**

Катта умидлар билан мусобақага келганларнинг ҳаммаси ҳам голиб бўла олмайди. Лекин ҳеч ким ўзини мағлуб деб ҳисобламайди ҳам. Сабаби, бу ёшларнинг байрами. Байрамда эса мағлуб бўлмайди. «Умид ниҳоллари»да дўстлик галаба қозони, бирдамлик голиб бўлди. Мусика садолари остида «Умид ниҳоллари» байроғи туширилди. Навоий вилоятининг ёш спортчилари «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари байроғини навбатдаги мусобақага мезбонлик қиладиган Хоразм вилояти вакилларига топширишди. «Умид ниҳоллари» иштирокчилари: «ХАЙР НАВОИЙ, КЎРИШГҲНА ХОРАЗМ!» дея хайрлашди. **Темур АбЗАМ, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбири.**

Спорт



## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН

Кеча Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шахрида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди

Мақзур нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси голиблик учун қураш олиб бормоқда. Унда Ўзбекистон терма жамоаси «Д» гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз кейинги босқичга бериладиган йўлланмалар учун Индонезия, Хитой ҳамда Қувайт футболчилари билан баҳс юртияпти.

Чемпионат аввалида ҳар бир терма жамоа бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. — Гуруҳимиздан энг кучли жамоалар ўрин олган, — деди унда Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Хосе Мария Мендес. — Гуруҳдаги ҳар бир ўйин фи-

налга тенг бўлиши шубҳасиз. Рақиблар ҳақида нима дейишим мумкин? Хитой — жуда кучли терма жамоа. Улар жаҳон чемпионатида иштирок этган. Индонезияда ҳам футбол йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Таиланд терма жамоасини бошқарганимда, Индонезия вакиллари билан бир неча марта тўқнаш келганман ва бу жамоа менда ижобий таассурот қолдирган. Қувайт терма жамоаси эса жуда кучли мураббийга эга. Мусобақада нафақат жаҳон чемпионати йўлланмани қўлга киритиши, балки кучлилар қато-

ридан жой олиш учун қурашамиз. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мусобақа низомига кўра, Осиё чемпионатининг барча ярим финалчилари ҳамда чорак финалда мағлуб бўлган яна бир энг яхши кўрсаткич соҳиби шу йилнинг кузида Таиландда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмани қўлга киритади. Кеча гуруҳ босқичининг дастлабки тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз қувайтликларга қарши майдонга тушди. Гарчи, учрашувда рақибларимиз ҳисобини очган бўлса-да, орадан икки дақиқа ўтган, Дилшод Ирсаев ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Қолган дақиқаларда футболчиларимиз ташаббусни тўлиқ ўз қўлларига олганликларига қарамай ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди. Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Хитой — Индонезия терма жамоалари ўзаро куч си-нашди — 5:2.

**Чемпионатнинг қолган гуруҳларида қуйидаги жамоалар тўп суришмоқда:**

«А» гуруҳи: БАА, Таиланд, Қирғизистон, Туркменистон.  
«В» гуруҳи: Япония, Хитой-Тайпей, Тожикистон, Ливан.  
«С» гуруҳи: Эрон, Австралия, Қатар, Жанубий Корея.  
Иккинчи тур ўйинлари бугун ўтказилади. Унда Хитой — Ўзбекистон, Қувайт — Индонезия футболчилари ўзаро баҳс юртиядилар.

**Эркин ХОЛБОВО,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Ташаббус

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири бекиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли миллий фильмлар суратга олинмоқда, улар халқимизга жойларда намойиш этилмоқда.

## «ЎЗ — 2012» МАЪРИФИЙ ТАДБИРИ БЕЛГИЛАНДИ

Самарқанд вилоятида ҳам таниқли ва иқтидорли ёш киноактёрлар, кинорежиссёрлар билан бўлган ижодий учрашувлар ўтказилиб, улар иштирокида яратилган «Чавандоз», «Жасур», «Бахт ўйи», «Жигарбандим» каби миллий бадий фильмлар кўрсатилди. Бу томошабинларда, айниқса, ўқувчи, ёшларда катта таассурот қолдирди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими аҳолининг, айниқса, ёшларнинг талаб-истакларини таҳлил қилган ҳолда, Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги ҳамда «Мустақам оила йилли»га бағишлаб, ёз фасли давомида шундай тадбирларни ўз ичига олган «ЎЗ — 2012» дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра, вилоятдаги барча кинотеатрларда, маҳалларда, таълим муассасаларида, қишлоқларда, клуб ва болалар оромгоҳларида миллий бадий ва ҳужжатли фильмлари намойиш қилиш ташкил этилади. **Фармон РОЗИҚОВ**

ОБ-ҲАВО 26-27 — 05. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+16 / +21	+29 / +34
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+16 / +21	+29 / +34
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+27 / +32
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+16 / +21	+28 / +33
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+28 / +33
Тошкент шаҳри	
+17 / +19	+30 / +32

Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+14 / +14
Париж	+15 / +15
Москва	+7 / +7
Мадрид	+15 / +11
Пекин	+15 / +20
Гонгконг	+26 / +25
Рим	+11 / +10
Афина	+14 / +15
Токио	+18 / +17
Стокгольм	+10 / +10
Кейптаун	+11 / +7
Қоҳира	+26 / +28
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+22 / +23

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	OCHILBOY RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:  
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-112-56;  
Sport va vatandorlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 236-55-17.  
**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
Г — 546  
17356  
nuxxada bosildi.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 23.25  
Topshirilgan vaqti — 01.45  
Sohuvda erkin narxda

Navbatchi:  
Nurali ORIPOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV  
ISSN 2010-7633  
1 2 3 4 5